

“ТАСДИҚЛАНГАН”
“Tenge Bank” АТБ Ягона
акциядорининг 2021 йил “___”
_____ даги Қарорига асосан
(“Қозоғистон Халқ банки” АЖ
Директорлар кенгашининг 2021 йил
“16” июль даги сиртки
йиғилишининг “28”-сонли
баённомаси)

“TENGE BANK” АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ ТАФТИШ КОМИССИЯСИ
ТЎҒРИСИДА НИЗОМ
II. ТАФТИШ КОМИССИЯСИНИНГ МАКОМИ ВА ВАКОЛАТЛАРИ
(Янги таҳрири)

ТОШКЕНТ ш. – 2021 й.

III. ТАФТИШ КОМИССИЯСИНИНГ ТАРКИБИ

5. Тафтиш комиссияси Банк Ягона акциядорининг қарори асосида 3 киши таркибиде сайланади.

6. Тафтиш комиссияси унинг аъзолари ҳафта сайланган ҳуқуқи билан бир йил муддатда сайланади. Бир вақтнинг ўзи Тафтиш комиссияси таркибига кетма-кет уч мартадан кўпроқ марта сайланиши мумкин эмас.

Банк Ягона акциядори Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши вақолига кiritилган масалаларни йиллик ҳураб чиқишда (Банк Ягона акциядори томонидан қарор қабул қилинишида) Банк Тафтиш комиссиясини сайлаш тўғрисида қарор қабул қилади.

7. Тафтиш комиссияси аъзолари бир вақтнинг ўзида Банк Кузатув кенгаши аъзолари бўлишлари, Банк бошқарув органларида бошқа вазифаларни ўташлари мумкин эмас, шунингдек Банкда меҳнат ёлланмаси бўйича йиллашлари мумкин эмас.

8. Тафтиш комиссияси аъзоларининг вақолилари Банк Ягона акциядори қарори асосида муддатидан олдин бекор қилиниши мумкин.

9. Тафтиш комиссияси аъзоларига қуйидаги маълумотлар таълими:

- ошай касб-хунар маълумотида, ихтисодиёт, молия ва ёқки ҳуқуқ соҳасида энг камидан уч йиллик шн тажрибасига эга бўлиши ёқки

- ўрта махсуд, касб-хунар маълумотида, ихтисодиёт, молия ва ҳуқуқ соҳасида энг камидан беш йиллик шн тажрибасига эга бўлиши.

10. Тафтиш комиссияси аъзолари Банк Кузатув кенгашининг Тафтиш комиссияси аъзоларига ҳақ тўлаш шкллари тўғрисида таълиқлари олишдан сўнг уларга юқлатилган функциялар бажаришга қоғида Тафтиш комиссиясининг ян учун муайян шқс-фот шушари олиниши ҳақли.

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Мазкур “Tenge Bank” Акциядорлик тижорат банки Тафтиш комиссияси тўғрисида Низом (бундан буён матнда – “Низом”) Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида” (янги таҳрири), “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида” (янги таҳрири), “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги (янги таҳрири) қонунлари ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатлари, шунингдек “Tenge Bank” АТБ (бундан буён матнда – “Банк”) Уставига ҳамда Банкнинг бошқа ички норматив ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилган.

2. Мазкур Низом Банк Тафтиш комиссияси (бундан буён матнда – “Тафтиш комиссияси”) таркиби, функциялари, ваколатларини, уни шакллантириш, фаолият тартибини ва Банк бошқарув органлари билан ўзаро муносабатларини белгилайди.

II. ТАФТИШ КОМИССИЯСИНING ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИ ВА ВАКОЛАТЛАРИ

3. Тафтиш комиссияси Банкнинг молия-хўжалик фаолияти устидан ички назорат функцияларини амалга оширувчи орган ҳисобланади.

4. Тафтиш комиссияси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида” (янги таҳрири), “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида” (янги таҳрири), “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида” (янги таҳрири), “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги (янги таҳрири) қонунларига, Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатларига, шунингдек Банк Уставига ҳамда Банкнинг Тафтиш комиссияси ва унинг аъзолари фаолиятига тегишли бошқа ички норматив ҳужжатларига амал қилади.

III. ТАФТИШ КОМИССИЯСИНING ТАРКИБИ

5. Тафтиш комиссияси Банк Ягона акциядорининг қарори асосида 3 киши таркибида сайланади.

6. Тафтиш комиссияси унинг аъзолари қайта сайланиш ҳуқуқи билан бир йил муддатга сайланади. Бир шахснинг ўзи Тафтиш комиссияси таркибига кетма-кет уч мартадан кўпроқ марта сайланиши мумкин эмас.

Банк Ягона акциядори Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ваколатига киритилган масалаларни йиллик кўриб чиқишда (Банк Ягона акциядори томонидан қарор қабул қилинишида) Банк Тафтиш комиссиясини сайлаш тўғрисида қарор қабул қилади.

7. Тафтиш комиссияси аъзолари бир вақтнинг ўзида Банк Кузатув кенгаши аъзолари бўлишлари, Банк бошқарув органларида бошқа лавозимларни эгаллашлари мумкин эмас, шунингдек Банкда меҳнат ёлланмаси бўйича ишлашлари мумкин эмас.

8. Тафтиш комиссияси аъзоларининг ваколатлари Банк Ягона акциядори қарори асосида муддатидан олдин бекор қилиниши мумкин.

9. Тафтиш комиссияси аъзоларига қуйидаги малакавий талаблар қўйилади:

- олий касб-хунар маълумотиغا, иқтисодиёт, молия ва/ёки ҳуқуқ соҳасида энг камида уч йиллик иш тажрибасига эга бўлиш ёки
- ўрта махсус, касб-хунар маълумотиغا, иқтисодиёт, молия ва ҳуқуқ соҳасида энг камида беш йиллик иш тажрибасига эга бўлиш.

10. Тафтиш комиссияси аъзолари Банк Кузатув кенгашининг Тафтиш комиссияси аъзоларига ҳақ тўлаш миқдори тўғрисида тавсиялари олинганидан сўнг уларга юклатилган функциялар бажарилган ҳолатда Тафтиш комиссиясидаги иш учун муайян мукофот пуллари олишга ҳақли.

Тафтиш комиссияси аъзоларига ҳақ тўлаш миқдори Банк Кузатув кенгашининг тавсияларига мувофиқ Банк Ягона акциядори томонидан тасдиқланади.

Тафтиш комиссияси раисига ва аъзоларига ҳақ тўлаш тугаган ой учун келгуси ойнинг бешинчи кунидан кечиктирилмай амалга оширилади.

Тафтиш комиссияси таркибига янги аъзо қабул қилинган ёки Тафтиш комиссияси аъзосининг ваколатлари бекор қилинган ҳолатда, ҳақ миқдори Тафтиш комиссияси аъзосининг Тафтиш комиссияси таркибида бўлган ҳақиқий календарь кунлари ҳисоб-китобидан ҳисоблаб чиқилади.

IV. ТАФТИШ КОМИССИЯСИНING ФУНКЦИЯЛАРИ

11. Банкнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш Тафтиш комиссияси ташаббуси бўйича Банк Ягона акциядори, Банк Кузатув кенгашининг қарори асосида бир йил ёки бошқа давр мобайнидаги фаолият якунлари бўйича амалга оширилади.

Банкнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш якунлари бўйича Тафтиш комиссияси Банкнинг умумий молиявий ҳолати бўйича мустақил хулоса ва комиссиянинг иш натижалари бўйича ҳисобот тузади, у қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

- Банк ҳисоботлари ва бошқа молия ҳужжатларидаги маълумотларнинг тўғрилигини баҳолаш;

- Бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молия ҳужжатларини тақдим қилиш тартиби, шунингдек молия-хўжалик фаолиятини амалга оширишда қонун ҳужжатлари бузилган фактлар тўғрисида ахборот.

12. Тафтиш комиссияси ўз функцияларини бажаришда қуйидагиларни амалга оширади:

- Банкда тайёрланган Банк молия ҳисоботлари ва молиявий ахборотнинг тўғрилигини текшириш;

- ички назорат самарадорлигини текшириш;

- Банкнинг йил мобайнидаги фаолият якунларини кўриб чиқиш даврида, шунингдек бошқа даврларда Банк Ягона акциядорига ахборот тақдим қилиш учун Банкнинг умумий молиявий ҳолати бўйича мустақил хулосани ва Тафтиш комиссиянинг иш натижалари бўйича ҳисоботни тайёрлаш;

- Банк номидан тузилган шартномалар, амалга ошириладиган битимлар, контрагентлар билан ҳисоб-китобларнинг қонунийлигини текшириш;

- Банк томонидан Банк фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга риоя қилинишини текшириш;

- Банкнинг молиявий ҳолатини, унинг тўлов қобилиятини, активлар ликвидлигини, ўз ва қарз маблағларининг нисбатини вақти-вақти билан таҳлил қилиш, иқтисодий аҳволни яхшилаш ва Банк бошқарув органлари учун тавсиялар ишлаб чиқиш захираларини аниқлаш;

- бюджетга тўловларнинг ўз вақтида ва тўғри тўланишини, бошқа мажбуриятлар сўндирилишини текшириш;

- Банк баланслари, солиқ инспекцияси, статистик органлар, давлат бошқарув органлари учун ҳисобот ҳужжатлари тўғри тузилганлигини текшириш;

- бухгалтерия ва статистика ҳисобини юритишнинг тегишли норматив қоидаларга мувофиқлигини, зарур ҳолларда, бирламчи бухгалтерия ҳужжатларига мурожаат қилган ҳолда таҳлил қилиш;

- Банк Кузатув кенгаши ёки Банк Бошқаруви томонидан қабул қилинган қарорларнинг тўғрилигини, уларнинг Банк Уставига, Банк Кузатув кенгаши ва Банк Бошқаруви тўғрисидаги низомларга, шунингдек Банк Ягона акциядори қарорларига мувофиқлигини текшириш;

- Банк томонидан ўтказилган кредит, ҳисоб-китоб ва бошқа операцияларни текшириш (яъни текшириш ёки танлов асосида текшириш);

- Банк кассасида пул маблағлари ва бошқа мулкнинг тегишлича сақланиш даражасини текшириш;

- Банк Ягона акциядори қарорларини таҳлил қилиш, қабул қилинган қарорлар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари талабларига тўғри келмаган ҳолатда, уларни ўзгартиришга доир таклифлар киритиш.

V. ТАФТИШ КОМИССИЯСИНING ҲУҚУҚЛАРИ

13. Тафтиш комиссияси ўз функцияларини тегишлича бажариш мақсадида қуйидагиларга ҳақли:

- ёзма талабнома асосида Банк бошқарув органларида лавозимларни эгаллаб турган шахслардан Банк ишини ташкиллаштириш учун керакли Банк молия-ҳўжалик фаолияти тўғрисида ҳужжатларни, шунингдек Тафтиш комиссияси функциялари ва ваколатларига мувофиқ ўрганиладиган материалларни олиш. Қайд этилган ҳужжатлар ва материаллар Тафтиш комиссиясига ёзма талабномадан сўнг 3 (уч) кун мобайнида тақдим қилинади;

- тегишли қарорлар қабул қилиш учун тезкор тартибда масалаларни кўриб чиқиш зарурияти тўғрисида мурожаатномани Банк Ягона акциядорига кўриб чиқиш учун киритиш;

- Банк ходимларидан, шу жумладан ҳар қандай мансабдор шахслардан Тафтиш комиссияси ваколатларидаги масалалар бўйича шахсий изоҳни талаб қилиш;

- Банк ходимлари, шу жумладан мансабдор шахслар томонидан амалдаги қонун ҳужжатлари ва Банкнинг маҳаллий ҳужжатлари талаблари бузилган ҳолатда уларнинг жавобгарлиги тўғрисидаги масалани Банк бошқарув органлари, унинг бўлинмалари, хизматлари томонидан кўриб чиқилиши учун киритиш;

- Банк Кузатув кенгашига Банк Ягона акциядори томонидан Банк Ягона акциядори ваколатидаги масалаларни навбатдан ташқари кўриб чиқиш тўғрисида энг камида 30 кун олдин ёзма талабномани тақдим қилиш.

VI. ТАФТИШ КОМИССИЯСИ ВА УНИНГ АЪЗОЛАРИ МАЖБУРИЯТЛАРИ

14. Тафтиш комиссиясининг асосий вазифалари Банкда тайёрланган молия-ҳўжалик ахборотнинг тўғрилигини текшириш, Банкнинг умумий молия-ҳўжалик ҳолати бўйича мустақил ҳулоса ва Тафтиш комиссияси фаолияти натижалари бўйича ҳисобот тайёрлаш, сўнгра уни молия йили ёки олдинроқ давр якунларини чиқаришда Банк Ягона акциядорига кўриб чиқиш учун киритишдан иборат.

15. Текширув ўтказишда Тафтиш комиссияси аъзолари мазкур текширув предметида тегишли барча ҳужжатларни пухта ўрганиб чиқишлари шарт. Ҳулосадаги асоссиз ахборот учун Тафтиш комиссияси аъзолари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортилишлари мумкин.

16. Агар Тафтиш комиссияси аъзоси унга тақдим қилинадиган ваколатларнинг амал қилиш муддати мобайнида ўз ташаббусига асосан ўз функцияларини бажаришни

тўхтатса, у бу ҳақда Банк Ягона акциядорини Банк Тафтиш комиссиясида ўз фаолиятини тўхтатгунгача бир ой олдин хабардор қилиши шарт. Бундай ҳолатда Банк Ягона акциядори Тафтиш комиссиясининг янги аъзоси сайланишини амалга оширади.

17. Тафтиш комиссияси қуйидаги мажбуриятларга эга:

- Банк Ягона акциядорини, Банк Кузатув кенгашини, Банк Бошқарувини амалга оширилган тафтишлар ва текширувлар тўғрисида ёзма ҳисоботлар, хизмат қайдномалари, Банк бошқарув органлари йиғилишларида хабарлар шаклида ўз вақтида хабардор қилиш;
- тижорат ва банк сирига риоя қилиш, Тафтиш комиссияси аъзолари ўз функцияларини бажаришда фойдаланиш имкониятига эга бўлган махфий ҳисобланган маълумотларни ошкор қилмаслик;
- Банк манфаатларига ҳақиқий хавф юзага келган ёки мансабдор шахслар томонидан йўл қўйилган суиистеъмолликлар аниқланган ҳолатда, дарҳол Банк Ягона акциядорини бундай ҳолатлар мавжудлиги тўғрисида хабардор қилиш;
- ўз фаолиятида мустақил йиллик аудиторлик текшируви натижаларидан ва Банк Ички аудит бошқармаси материалларидан Банк Бошқаруви Раиси ёки Аудиторлик қўмитаси Раиси ёхуд Банк Кузатув кенгаши Раисининг розилиги олинганидан сўнг қонун ҳужжатлари ва Банкнинг ички норматив ҳужжатлари талабларига мувофиқ фойдаланиш.

18. Тафтиш комиссияси молиявий ҳисобот ва бухгалтерия ҳисобини юритиш қоидалари ва тартибига мувофиқ Банк Ягона акциядори ва Банк Кузатув кенгашига йиллик ҳисоботлар ва баланслар бўйича хулосани тақдим қилади.

19. Тафтиш комиссияси Раиси Банк Ягона акциядори томонидан Банкнинг молиявий ҳисоботида тегишли масалалар кўриб чиқилишида иштирок қилиши шарт.

20. Банк Тафтиш комиссияси йилнинг ҳар чорагида Банк Кузатув кенгаши йиғилишига аффилиланган шахслар билан битимлар ёки Банкда йирик битимлар мавжудлиги, шунингдек бундай битимларни тузишда қонун ҳужжатлари ва Банкнинг ички ҳужжатлари талабларига риоя қилиниши тўғрисидаги хулосани олиб чиқади.

VII. ТАФТИШ КОМИССИЯСИНИНГ ЙИҒИЛИШЛАРИ

21. Тафтиш комиссияси ҳам бевосита қатнаб, ҳам сиртдан ўтказилиши мумкин бўлган ўз йиғилишларида барча масалаларни ҳал қилади. Тафтиш комиссияси йиғилишлари тасдиқланган режа асосида, шунингдек текширув ёки тафтиш бошланишидан олдин ва уларнинг натижалари бўйича ўтказилади. Тафтиш комиссияси аъзоси Тафтиш комиссиясининг кечиктириб бўлмайдиган қарорини талаб қиладиган қоида бузилиши аниқланган ҳолатда Тафтиш комиссиясининг фавқулодда йиғилиши чақирилишини талаб қилиши мумкин.

22. Тафтиш комиссияси йиғилиши, агар унда Тафтиш комиссиясининг энг камида 2 (икки) аъзоси иштирок қилаётган бўлса, ушбу йиғилиш қонуний ҳуқуққа эга ҳисобланади.

23. Тафтиш комиссиясининг ҳар бир аъзоси битта овозга эга бўлади. Тафтиш комиссиясининг далолатномалари ва хулосалари йиғилишда иштирок қилаётган аъзоларнинг оддий кўпчилик овози билан тасдиқланади. Овозлар тенг ҳолатда Тафтиш комиссияси Раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

Тафтиш комиссияси аъзолари комиссия қарорига рози бўлмаган ҳолатда, йиғилиш баённомасида алоҳида фикр-мулоҳазасини қайд этишга ва ундан Банк Бошқарувини, Банк Ягона акциядорини ва Банк Кузатув кенгашини хабардор қилишга ҳақли.

24. Тафтиш комиссияси ўз таркибидан раисни сайлайди.

Тафтиш комиссия Раиси:

- йиғилишни чақиради ва ўтказади;
- Тафтиш комиссиясининг жорий ишлари ва йиғилишлар баённомалари юритилишини ташкиллаштиради;
- Банк Бошқаруви, Банк Кузатув кенгаши йиғилишларига, шунингдек Банк Ягона акциядори кўриб чиқиши учун хулосаларни тақдим қилади;
- Тафтиш комиссияси номидан тузилган ҳужжатларни имзолайди.

VIII. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

25. Мазкур Низом, шунингдек унга ўзгаришлар ва қўшимчалар Банк Ягона акциядори томонидан тасдиқланади.

26. Агар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари нормалари ўзгариши натижасида мазкур Низом талаблари уларга зид келиб қолса, мазкур Низомга тегишли ўзгаришлар киритилгунгача ушбу талаблар ўз кучини йўқотади, ушбу вақт даврида Тафтиш комиссияси Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига ва Банк Уставига амал қилади.